



ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

¹**Султонов Жалоладдин
Баходир ўғли**
²**Бабаҳанов Ҳамдам
Қадамович**

¹Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кундузги таълим 3-ўқув курси 310-гуруҳ курсанти
²Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
“Хуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси”
ўқитувчиси, майор

Abstract

Ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблиги, илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларниң маҳсус профилактикаси чора-тадбирлари билан ишлашнинг амалиёт таҳлили ва уларга нисбатан юритиладиган процессуал хужжатлар, илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларниң маҳсус профилактикаси чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб ўтилган.

Keywords : хуқуқбузар, маҳсус профилактика, илгари судланган шахслар, маҳсус профилактикаси чора- тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари.

Аннотация: Актуальность данной темы исследования, практический анализ работы с мерами специальной профилактики правонарушений среди ранее судимых и хранящихся в отношении них процессуальных документов, особенности проведения мер специальной профилактики правонарушений среди ранее судимых. выделено.

Ключевые слова: преступник, специальная профилактика, ранее судимые, особенности специальных профилактических мер.

Хуқуқбузарликларниң маҳсус профилактикаси айрим турдаги хуқуқбузарликларниң, шахслар тоифаларининг кўпайиши, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларниң юзага келиши оқибатида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузган ва уларга амал қилишни истамаган хуқуқбузарлар, уларни бузишга кўпроқ мойил бўлган шахслар, шу жумладан маъмурий назоратда турувчи илгари судланган шахслар орасида хуқуқий тарбияни яхшилаш борасида самарали иш олиб бориш давр талабидир.

Дарҳақиқат, бугунги қунда оғир, ўта оғир, ва ҳар қандай қасдан икки ёки ундан ортиқ жинояти учун жазони ўтаб чиққан шахсларниң келгусида такрор жиноятлар содир этишининг олдини олиш, уларда ижтимоий йўлга кириб

олишини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2-апрелдаги ”Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат туғрисидаг”ги 532-сонли қонунида белгиланган тартибда суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади. Бугунги кунда маъмурий назоратни амалга ошириш ваколати Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари олиб борадилар. Ички ишлар органларининг маъмурий назорати тарбиявий олдини олиш таъсир чораларининг мажмуини ифодалаб, илгари судланган шахслар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка, виктимологик профилактик чора-тадбирларни амалга ошириб, илгари судланган шахсларни яна жиноят содир этишларини олдини олиш, уларни ҳукуқий онг ва ҳукуқий маданиятини юксалтириш борасида мамлакатимизда катта ишлар олиб борилмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олишда ички ишлар органларининг жазони ўташ жойларидан бўшатилган шахслар устидан ўрнатадиган маъмурий назорати муҳим аҳамиятга эгадир. Республика миқёсида бундай шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиб, уни амалга ошириш бугунги кунда жамиятимиздаги юз бераётган ўзгаришлар, айниқса инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш, жамиятни демократлаштириш, жазоларни ўташ тартибини халқаро андозаларга мослаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш жиноятларни олдини олиш чораларини ички ишлар органлари ташкил этилишининг хусусиятларини қўриб чиқилишини тақозо этаётганлиги ҳисобланади.

Илгари судланган шахслар томонидан такрор ҳукуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш шунингдек, уларга тарбиявий таъсир ўтказиш мақсадида ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан ҳисоб профилактик иши юритилади. Бу тоифа шахсларни ҳисобга қўйиш учун асос бўлиб – суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома ёки унинг судланганлигини исботловчи бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

Илгари судланган шахсларга нисбатан профилактика (катта) инспектори «Ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» ги қонуннинг 36- моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган профилактик ҳисобга олиш асосларидан бири мавжуд бўлганда, шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Мазкур қарор шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичida чиқарилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган илгари суд-ланган шахсларга нисбатан профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичida чиқарилади.

Профилактик ҳисобга олинган илгари судланган шахсга нисбатан ҳисоб профилактик иши юритилади ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан юритиладиган маҳсус китобда қайд этилиб, уларга тегишли тартиб раками берилади. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб келган шахсларнинг ҳисоб профилактика ишида жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги

тўғрисидаги маълумотнома нусхаси, ишга жойлаштириш тўғрисидаги шаҳартуман меҳнат бўлимларига, ҳаётга мослашишлари учун дастлабки ёрдам кўрсатиш мақсадида жойлардаги ижтимоий кўнику марказлари ва маҳсус комиссияларга юборилган хатларнинг нусхаси, келгусида хукуқбузарлик содир этмаслиги тўғрисида расмий огоҳлантириш хужжати, Ахборот маркази маълумотлари, яқин қариндошлари ва жиноий алоқалари чизмаси, бармоқ изларининг «Сонда» базасига киритилганлигини тасдиқловчи, шунингдек яшаш ва иш жойидан тавсифнома, мураббий бириктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, доимий ёки вақтинчалик яшаш жойини текширилганлиги ҳақидаги профилактика инспектори ёки бошқа соҳавий хизмат ходимларининг билдиргилари жамлаб борилади (бошқа қўшимча хужжатлар талаб этилмайди).

Профилактик ҳисобда турган барча тоифадаги шахсларнинг, шу жумладан илгари судланган шахсларнинг рўйхатлари ички ишлар органи навбатчилик қисмидаги компьютернинг алоҳида файлида сақланади ва ушбу маълумотлардан хизматда фойдаланилади. Рўйхат ҳисбот ойининг якуни бўйича ички ишлар органи ҳисобни қайд этиш инспектори томонидан Ахборот марказидан олинган маълумотлар асосида янгилаб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида рецидив жиноятчиликнинг олдини олинишига, ЖИЭМдан бўшатилган илгари судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этишда намоён бўлади ва бунга қўшимча сифатида қуидаги чора-тадбирлар орқали уларнинг бундай хукуқбузарликлар ёки жиноятларнинг олдини олишда самарали чора- тадбирларига хизмат қиласи:

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Мирзиёев Ш.А “Нияти улуғ халқнинг иши хам улуғ, хаёти ёруғ ва келажагфаровон бўлади” Т.Ўзбекистон 2021 йил.
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр.
- Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айrim тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги 532-сонли қонуни Ўзбекистон
- Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонуни.
- Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси. Илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятидаги муаммолар. 46-50 бет.// Маънавий тарбия ва сиёсий маданият. Т 2016 йил № 1. 83-бет.